O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2001 йил 6 январь, шанба • №2 (11.287) • Эркин нархда сотилади

## «ХАЛҚ СЎЗИ» ВА «НАРОДНОЕ СЛОВО» РЎЗНОМАЛАРИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИГА

*Азиз дўстлар!*

*Сиз, матбуотимиз заҳматкашларини сиёсий-ижтимоий ҳаётимизда ўзига хос ўрин тутадиган «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномаларининг нашр этила бошланганига ўн йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.*

*Мустақиллик учун кураш йилларида дунёга келган бу рўзномалар қисқа вақт ичида ўз ижодий анъаналарига эга бўлиб, замон синовларида тажриба ва обрў орттириб бораётган фикр минбарига айланганини алоҳида таъкидлаш жоиз.*

*Бугунги шиддатли давр оммавий ахборот воситалари олдига ўзига хос ва ўзига мос, биз илгари ҳаётимизда дуч келмаган машаққатли, шу билан бирга, шарафли вазифаларни қўймоқда.*

*Бу вазифаларнинг мураккаблиги шундаки, бугунги кунда одамлар нафақат мамлакатимиз, балки ён атрофимизда, бутун дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан тезкорлик билан хабардор бўлишни истайди. Улар матбуотдан бу воқеаларни холисона ёритиб, ҳақиқий моҳиятини очиб беришни, содда ва ҳар қайси тоифага тушунарли тарзда ифода этишни талаб қилади.*

*Сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳаётимизга янги-янги тушунчалар кириб келаётган, янгича тафаккур тарзи, ҳур фикрлилик каби демократик тамойиллар шаклланаётган ҳозирги шароитда оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифаси — жамиятдаги ана шу қарашлар ранг-баранглигини, турли хил нуқтаи-назарларни, мавжуд муаммо ва камчиликларни акс эттириш, энг муҳими, одамларни эркин фикрлашга даъват этиш, бу ишни узлуксиз бир жараёнга айлантиришдан иборатдир.*

*Бир сўз билан айтганда, биз демократик давлат, озод ва том маънода эркин ҳаёт қурмоқчи эканмиз, бу ўзгаришларни аввалambor матбуотдан бошлашимиз даркор. Оммавий ахборот воситалари бу борада ибрат бўлиши, турли фикр ва ёндошувларнинг, мухолиф қарашларнинг ҳам майдонига айланиши лозим.*

*Шу маънода, миллий матбуотимиз замон талабларидан ортда қолмаслиги, бизнинг ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишимизда, жамоатчиликни ўйлантириб турган мураккаб саволларга жавоб топишда кўмакдош бўлиши керак.*

*Ана шундай шарафли вазифаларни адо этишда «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномаларининг меҳнат жамоаси, фаол ижодкорлари ўз куч-ғайратини аямайдилар, деб ишонаман.*

*Барчангизга сиҳат-саломатлик, ижодий ишларингизга муваффақият, хонадонларингизга файзу барака тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## РЎЗНОМАЛАР ЮБИЛЕЙИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномалари нашр этила бошланганлигининг ўн йиллигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу нашрлари ходимларини ўзига хос ушбу байрам билан қутлаш учун бу ерга мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, турли вазирлик, қўмита, идора ва ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари тўпланди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг рўзномалар ташкил этилганлигининг ўн йиллиги муносабати билан уларнинг ижодий жамоасига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур рўзномаларнинг илк сони 1991 йилнинг биринчи январида ўқувчилар қўлига теккан эди. Ўтган вақт мобайнида рўзномалар замон синовларидан муваффа-

**(Давоми 2-бетда).**

## ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви минтақавий ҳамкорликдан бошланади. Зеро, ён-атрофдаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш, товарлар, хизматлар, маблағ ва ишчи кучларининг эркин ҳаракатини таъминлаш интеграция жараёнларини тезлаштириб, минтақа халқларининг тўқ-фаровон яшаши учун қулай шароит яратади. Мавжуд муаммоларни биргаликда бартараф этиш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг ташкил этилиши минтақа халқларининг туб манфаатларига, ҳаётий эҳтиёжларига мос тушади.

5 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Иқтисодий Ҳамжамиятнинг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун Олмаота шаҳрига келди. Учрашув Иқтисодий Ҳамжамиятга аъзо давлатлар раҳбатлари - Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев ва Имомали Раҳмоновларнинг тор доирадаги мулоқоти билан бошланди.

Президентларнинг ўзаро суҳбати чоғида ўзаро минтақавий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари ҳақида сўз борди. Хусусан, иқтисод, фан ва техника борасидаги ҳамкорлик, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, терроризм, диний экстремизм, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши биргаликда курашиш юзасидан фикр алмашилди.

Президентлар алоҳида эътибор қаратган яна бир масала афғон муаммоси бўлди. Биламизки, Афғонистондаги нотинч вазият бутун Марказий Осиё минтақаси тинчлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри хавф солади. Бу хавф минтақанинг иқтисодий-сиёсий ривожига, бинобарин ялпи тараққиётига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Куннинг иккинчи ярмида Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти Давлатлараро Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлди.

Мажлисда Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки фаолияти ҳамда банкнинг аудиторлик текшируви якунлари билан боғлиқ масалалар таҳлил этилди. Шунингдек, мажлисда 1994 йил июль ойида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон ўртасида Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкини (МОҲТ) таъсис этиш тўғрисида тузилган битимга ўзгартиришлар киритишга оид масалалар муҳокама этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё Республикалари Иқтисодий Ҳамжамиятининг Форумини чақириш ҳақида таклиф киритди.

Ушбу таклиф анжуман қатнашчилари томонидан якдиллик билан маъқулланди. Бу ташаббус Ҳамжамиятнинг 2002 йилга қадар ўзаро ягона иқтисодий макон яратиш бўйича дастурига тўла мосдир.

Шу ўринда айтиш керакки, Ўзбекистон Ҳамжамият доирасида турли сиёсий ёхуд бошқа замзамалардан холи, ҳақиқий иқтисодий ҳамкорликни шакллантириш ва ривожлантиришни ўзига бош мақсад қилиб қўйган. Айни ҳамкорликнинг ибтидосидаёқ бу масала аниқ-тиниқ белгиланган эди.

1993 йилда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида 1994-2000 йиллар давомида ўзаро иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича битим имзоланиши ушбу йўлдаги илк қадам бўлди. 1994 йилда эса бу икки давлат Ягона иқтисодий макон яратишга келишди ва бу борада битим имзоланди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Қирғизистон ҳам ушбу битимга қўшилди. Бошқача айтганда, Ягона иқтисодий макон яратиш Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосига айланди. Шу боис 1998 йил Тожикистон ҳам ушбу ҳужжатни имзолади. Айнан шу йили Ўзбекистон ташаббуси билан мазкур тузилмага Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти, деб ном берилди.

Олмаота саммитида Қирғизистоннинг Халқаро тоғлар йилини ўтказиш тўғрисидаги таклифи ҳам иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Мажлис ниҳоясида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамиятини Марказий Осиё Форумига айлантириш таклифи тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида 1994 йил имзоланган МОҲТ банкини яратиш тўғрисидаги битимга ўзгартиришлар киритиш бўйича протокол, шунингдек Бишкекда МОҲТ банки шоҳобчасини очиш ҳамда Ҳамжамият Давлатлараро Кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

***М.РАҲМОНОВ, (ЎзА).***

## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

**«Тошкент ҳақиқоти»нинг бугунги сони одатдагидан бошқачароқ бўлишига ҳаракат қилдик. Кўнглимиздаги энг яхши гапларимизни сиз билан баҳам кўриш ниятидамиз. Республикамиз, вилоятимиздаги энг сўнгги янгиликлар, воқеаларни етказиш билан биргаликда иқтисодга оид мақолалар, аёл садоқатию, шифокорлар жонкуярлиги ҳақидаги лавҳаларни ҳавола қилдик. Адибамизнинг янги ҳикоясини сизга атадик. Мақсадимиз битта: янги йилда сизга янада яқинроқ бўлиш, ширин суҳбатлар қуриш, янгича тасвиру ташбеҳлар билан ўтаётган кунларингизни янада сермазмун, серфайз бўлишига омил яратиш. Балки, бу борада сизнинг ҳам дилингизга тугиб қўйган гапларингиз бордир. Уни биз билан ўртоқлашсангиз айни муддао бўларди. Бир сўз билан айтганда, газетамизнинг ҳар бир сонини дилкаш суҳбатдошингизга айланишида ҳисса қўшасиз, деб ўйлаймиз.**

**Бугун эса, марҳамат, газетамизнинг шанба сони қўлингизда. Ўқиганларингиз қувонч бахш этса, сизни бир зум ўйга толдирса, ҳаётга янгича нигоҳ ташлашга чорласа — мақсадимизга етган бўламиз.**

## ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

***Шу йил 5 январь куни иккинчи чақириқ халқ депутатлари Ўртачирчиқ тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.***

Унда ташкилий масала кўрилди.

Қаюмбой Деҳқонбоев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод этилди.

Сессияда илгари республика Президенти Девонининг масъул ходими бўлиб ишлаб келган Максим Тешабоевич Тиллабоев Ўртачирчиқ тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими Уммат Мирзақулов сўзга чиқди.

# РЎЗНОМАЛАР ЮБИЛЕЙИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

қиятли ўтиб, ижодий жамоа улкан тажриба орттирди, халқимиз ўртасида катта обрў-

## «ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»



эътиборга эга бўлди, эркин фикр минбарига айланди. Бугунги кунда рўзномалар саҳифаларида миллий истиқлол ғоялари кенг тарғиб этилмоқда, халқимизнинг орзу-умидлари, ўйлари, келгуси режалари ўз ифодасини топмоқда. Ижодий жамоа мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳада юз бераётган ўзгаришлар, ислоҳотлар жараёнини ҳаққоний ва тезкор ёритишга ҳаракат қилмоқда.

Зеро, Президентимиз табригида қайд этилганидек, миллий матбуотимиз бу борада ибрат бўлиши, давр талабларидан ортда қолмаслиги, мамлакатимиз ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишида, жамоатчиликни ўйлантириб турган мураккаб саволларга жавоб топишда кўмакдош бўлмоғи лозим.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров ва бошқалар рўзномалар жамоасини юбилей билан қутлаб, янги ижодий зафарлар тилади.

***Назокат УСМОНОВА,***
***ЎзА мухбири.***

* * *

*Биз ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетаси жамоаси ва кўп сонли муштарийларимиз номидан ҳамкасбларимизни ўн йиллик тўйлари билан чин дилдан қутлаймиз. Ҳамиша ҳақ сўзни айтиб, халқ дардига дармон бўлиб юринг, азизлар!*

# КЕТИБ ҚОЛГАНЛАР ҚАЙТМОҚДА

## Бунинг асоси янгича меҳнат ва олинаётган мўмай даромаддир

***Қуйичирчиқ туманидаги Отажонов номли ширкат хўжалиги боғбон, соҳибкорлари учун сўнгги уч йил анча оғир келди. Боғлар айни гуллаб, токзорлар ҳосил туккан пайтда табиатнинг инжиқлигига дуч келдилар. Мева дарахтлари ва токзорларни совуқ уриб кетди. Нима қилиш керак?***

ХЎЖАЛИК раҳбари Абдулла Отажонов олдида ана шу савол кўндаланг турарди. Қандай бўлмасин жумбоқни ечиш зарур. Ахир, асосий қисми боғ ишлари билан банд бўлган аҳолининг оиласини ўйлаш керак-ку!

Хўжаликда 750 гектар майдон ғалла учун ажратилган. Салкам 700 гектар ерда эса чорва озуқаси, шоли, сабзавот ва полиз маҳсулотлари ўстирилади. Умуман, 2512 гектар майдоннинг 1128 гектаридан 603 гектарини боғ, 525 гектарини токзорлар ташкил этади. Хўжаликда 1800 тонна мева сақланадиган музлатгич, бундан ташқари шарбат ва шароб ишлаб чиқарувчи завод бор. Ҳосил бўлмаганлиги учун бу иншоотлар бекор туриши керакми, нега ундан фойдаланиш йўлини изламаслигимиз зарур? Ниҳоят йўлини топдилар. Октябрь-ноябрь ойларида мамлакатимизнинг жанубий вилоятлари Сурхондарё ҳамда Қашқадарёдан 500 тонна миқдорида олма келтирилди, сақлаш учун музлатгичга қўйилди. Қиш фаслида эса бу маҳсулотлар харид қилиб олинган нархига нисбатан бир-бир ярим баробар қиммат сотилди. Олинган фойда пулни хўжалик маош қилиб тарқатди. Боз устига хўжалик қарзларидан ҳам қутулди. Бундан ташқари, ўтган йили 6 миллион сўм соф фойда олинди.

2000 йилда боғ ва токзорларда ҳосил мўл бўлди. Хўжалик давлатга режадаги 3015 тонна ўрнига 3300 тонна мева, 3932 тонна ўрнига 4480 тонна узум сотди. Олманинг «Нафис», «Семеренко», «Боровинка», узумнинг «Кишмиш», «Қора гўзал», «Мускат», «Нимранг» навларидан, айниқса, мўл ҳосил олинди.

Айрим оилавий пудратчилар гектаридан 20-21 тоннага етказиб узум териб олдилар. Ислом Низомов бошлиқ пудратчилар бригадаси эса энг юқори натижага эришди. Улар 14,2 гектар токзордан 292 тонна ҳосил йиғиштириб олиб, ҳосилдорликни 205 центнерга етказдилар. Нақд 2 миллион 450 минг сўм соф фойда кўрилди. Бошқа пудратчи оила аъзоларининг ҳам даромадлари мўмай бўлди.

– Ишни оила пудрати асосида жорий этганимиз шундай самаралар бермоқда, – деб айтишмоқда боғбонлар. Бундан хўжалик ҳам, ҳамма-ҳамма манфаат кўрмоқда.

Айни пайтда хўжаликда 260та оилавий пудратчи бор. 2001 йилда бу рақам яна ҳам кўпайиши мумкин. Чунки ҳозирданоқ пудратчи бўлиш истагида ариза билан мурожаат қилаётганлар кўпайиб қолди. Муҳими қачонлардир айрим сабабларга кўра хўжаликдан кетиб қолганлар ҳам у ердаги ижобий ўзгаришларни кўриб, яна қишлоққа қайтишмоқда.

Энди даромадга келсак. Ҳисоб-китобларга қараганда хўжаликнинг 135 миллион сўм соф фойда олиши аниқ бўлиб турипти. Шунда ҳам 500 тонна олма ва узум шарбати вино тайёрлаш учун сақлаб қолинади. Келгусида бу маҳсулотлар «Тошкентвино» ҳамда «Ўзбекшампан» корхоналарига шартнома асосида сотилади.

Хўжаликда етиштирилган маҳсулотларни четга чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Жумладан, яқинда 50 тонна узум Москва шаҳрига жўнатилди. Шунингдек, хорижий сармояни жалб этиш масаласи ҳам ҳал этилди. Италиянинг Ўзбекистондаги «Фотогруппа» фирмаси билан ҳамкорликда концентратлар ишлаб чиқариш цехи қурилади.

***Дониёр КАМОЛ.***

*Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси*

# *Қ А Р О Р И*

# Бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш тўғрисида

***«Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:***

***Бўшаб қолган ўринларга II чақириқ Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлигига сайлов ўтказиш бўйича 20-«Бўка», 23-«Искандар», 48-«Чиноз» ва 50-«Истиқлол» округ сайлов комиссиялари қуйидаги таркибда тузилсин:***

| | |
|---|---|
| **20-«Бўка» округ сайлов комиссияси** | |
| | *Комиссия раиси:* |
| Йўлдошев Эргаш | – Бўка туман «Халқ овози» газетаси бош муҳаррири |
| | *Раис ўринбосари:* |
| Абдулазизов Суроб | – Бўка тумани пахта тозалаш заводи директори ўринбосари |
| | *Комиссия котиби:* |
| Каххоров Отажон | – Бўка тумани 4-мактаб ўқитувчиси |
| | *Комиссия аъзолари:* |
| Ахмедова Азиза | – Бўка тумани Б. Умаров номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси хотин-қизлар қўмитаси раиси |
| Бобожонова Гулнора Мираимовна | – Бўка тумани марказий кутубхонаси услубиётчиси |
| Буронов Жамолиддин | – Бўка тумани «Қурувчи-А» фирмаси иш юритувчиси |
| Мурувватов Абдуманнон Абдуллаевич | – Бўка тумани кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси раиси |
| Мажидова Шоира Рахимовна | – «Бўкагаз» идораси қурилиш омилкори |
| Сафаров Бахтиёр Утаевич | – Бўка тумани почта хизмати ходими |
| **23-«Искандар» округ сайлов комиссияси** | |
| | *Комиссия раиси:* |
| Холметов Абдурасул | – Бўстонлиқ туманидаги 12-мактаб директори |
| | *Раис ўринбосари:* |
| Умарова Венера | – Бўстонлиқ тумани Искандар қўрғон амбулаторияси ҳамшираси |
| | *Комиссия котиби:* |
| Турлибекова Наталья | – Бўстонлиқ тумани Искандар қўрғон фуқаролар йиғини нозири |
| | *Комиссия аъзолари:* |
| Бурибеков Шайхжалолиддин | – Бўстонлиқ тумани ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастри бўлими бошлиғи |
| Зуфаров Юлдош | – Бўстонлиқ тумани «Товоқсой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси |
| Нуржанова Райхан | – Бўстонлиқ тумани «Товоқсой» фахрийлар сиҳатгоҳи бош ҳамшираси |
| Тургунбоев Тасбалта | – Бўстонлиқ тумани 5-мактаб ўқитувчиси |
| Туйчиева Саида Рахмонбердиевна | – Бўстонлиқ тумани Искандар қўрғони амбулаторияси ҳамшираси |
| Тухтабоева Мамлакат Рашидовна | – Бўстонлиқ тумани хўжалик ҳисобидаги «Искандар» савдо корхонаси товаршуноси |
| **48-«Чиноз» округ сайлов комиссияси** | |
| | *Комиссия раиси:* |
| Махкамов Мазбут | – Чиноз тумани 40-мактаб директори |
| | *Раис ўринбосари:* |
| Усмонов Хикмат | – Чиноз тумани «Ўзагросуғурта» Чиноз бўлими бошлиғи |
| | *Комиссия котиби:* |
| Отажонов Абдуразок | – Чиноз тумани хусусийлаштириш, корхона ва ташкилотларни рўйхатга олиш бўлими бошлиғи |
| | *Комиссия аъзолари:* |
| Зияева Окибатхон | – Чиноз тумани 1-сон болалар боғчаси методисти |
| Ибрагимов Абдуманноп | – Чиноз тумани электртармоқлари бўлими бошлиғи |
| Йулдошев Гамлет Махкамович | – Чиноз тумани «Гулзоробод» ширкат хўжалиги бригада бошлиғи |
| Ким Ирина | – Чиноз тумани санитария ва эпидемиология станцияси назоратчиси |
| Тожиева Зулфия | – Чиноз тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси |
| **50-«Истиқлол» округ сайлов комиссияси** | |
| | *Комиссия раиси:* |
| Досинбоев Еркин Холматович | – Юқоричирчиқ тумани «Ўзбекистон» қишлоқ хўжалиги ширкати касаба уюшмаси раиси |
| | *Раис ўринбосари:* |
| Артиков Усмонали Нурматович | – Юқоричирчиқ туман 9-мактаб директори |
| | *Комиссия котиби:* |
| Ахмедова Феруза Абдурашидовна | – Юқоричирчиқ туман «Хитойтепа» маҳалла фуқаролар йиғини котиби |
| | *Комиссия аъзолари:* |
| Аралбаева Эльмира Жаксылыковна | – Юқоричирчиқ туман 23-мактаб ўқитувчиси |
| Кенжалиев Ниязимбет Умирбекович | – Юқоричирчиқ туман «Ўзбекистон» қишлоқ хўжалиги ширкати 4-бригада бошлиғи |
| Махкамов Турахўжа Юлдашевич | – Юқоричирчиқ туман «Дўстлик» ширкат хўжалиги 14-бригада бошлиғи |
| Мирзабеков Марсель Адилович | – Юқоричирчиқ тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси ўринбосари |
| Тагаев Умирбой | – Юқоричирчиқ туман 18-мактаб директори |
| Усеров Бухарбай Меманкулович | – Юқоричирчиқ туман 28-мактаб ўқитувчиси |

**Вилоят сайлов комиссияси раиси** **М. МАХМУДОВ.**
4 январь 2001 йил.

# Бозорнинг эгаси ким?

***Магазинлардан бирор нарса тополмасангиз, «Отанг бозор, онанг бозор, ошна, бозордан олиб қўяқолмайсанми», деб танбеҳ беришади. Ҳозир дўконларга кириб, кўнгилга ёқадиган, энг муҳими, арзону сифатли маҳсулот олиб бўпсиз! Зарур нарсани харид қилиш учун кўчага чиқсангиз, оёғингиз ўзидан ўзи бозор томонга тортиб кетади.***

Келесда, шундоққина кўприкнинг тагида шинамгина бозор пайдо бўлган. Бу йилдан анча тартибга келиб қолди. Пештахталари кенг мўлгина, усти ҳам ёпилди. Яқин атрофдаги хўжаликлардан деҳқонлар сабзавот олиб келса, анча тўкинчилик бўлади, деб севингандик. Бир куни яқинроқ деб чиқсам, нарх-наво осмонда.

– Ахир, Эски Жўвада картошкани етмиш-саксон сўмга олса бўлади-ку, – деганимни биламан, кўринишдан мулойимгина жувон жавраб кетди: – Бу картошка ҳам Эски Жўвадан келган, то пештахтага чиққунча тўқсон икки сўмга тушди менга, қолса саккиз сўмингиз қолади, беш бармоғимни оғзимга тиқаётганим йўқ.

– Деҳқонларни қидириб овора бўлманг, – деди ундан ҳам «мулойимроғи». – Уларни бу ерда ўтиришга вақти йўқ.

Шу пайтда бир арава сабзи келиб, бозорнинг рўпарасида тўхтади. Харидор бўлиб унга яқинлашувдим, орқадан овоз эшитилди:

– Ҳой, ҳой, пули тўлаб қўйилган уни, сабзи керак бўлса пештахтага боринг.

Юкнинг эгаси бўлган аравакаш эса менга индамади, фақат пўнғиллаб қўйди:

– Бозорни эгаси шулар-да.

Бозорнинг «эгалари» бирпасда бир арава сабзини саранжомлаб, кейин нархини эълон қилишди: бир килоси 65 сўмдан.

Эски Жўва бозоридек гавжум жой бўлмаса керак. Тепасидаги ёзуви ҳам чиройли «Эски Жўва деҳқон бозори». Лекин, олдиндан айтиб қўяй: деҳқонларни бу ерда ҳам топиш мушкул. Қатор кетган расталарда тармевалар кўзни олгудек товланади. Гуручларни айтмайсизми, маржонга ўхшайди. Сабзавот деганингиз худди осмондан ёғилгандек. Эскидан қолган бир нақл бор: «Олувчига ўн сўм ҳам қиммат, сотувчига юз сўм ҳам арзон». Сабзининг нархини нима қиласиз:

– Сариғи 65 сўм, қизили 75 сўм.

– Нега бунча, фарқи рангидами?

– Молига қаранг, оповси.

– Ахир пулига ҳам қаранг-да.

– Савлатингиздан от ҳуркади-я, беш-ўн сўмга тортишманг.

Асабингиз таранглашади. Нари бориб, бери келиб, 60 сўмга келишасиз. Сотувчи шарт қўяди: танламайсиз. Кўнасиз. Ўн кило тортилади. Қўл тарозида яхшилаб ўлчаб беради, уч-тўртта сабзини ҳам қўшиб юборади: боринг, оғири ҳам сизга бўлсин. Беш-ўн қадам юриб, оғирини текшириб кўргингиз келади. Бошқа тарозига қўясиз. Ўн кило сабзи, ё тавба, тўққиз кило чиқди-ку. Қайтиб келаётганингизни, бунинг устига важоҳатингизни кўриб, сабзичи опа пешвоз чиқади.

– Буни қаранг, айланай, тарозимни ёнимдаги киши олувди, жойига яхши ўрнатмабди. Келинг, беш-ўнта ташлаб берай. Деҳқонмиз-да. Камайиб қолармиди, – нима дейишингизни билмай ҳайронсиз. Ўтиб кетаётган аёл захрини сочади.

– Деҳқонсан-а, деҳқонсан, қайси соддани алдаб-сулдаб олиб келган экансан.

Ҳа, майли, буниси ўтди. Энди гўшт бозорига тушасиз. Қассобнинг икки қўли кўксида.

– Қани, қани, келсинлар, гўштнинг «додаси» бор.

Гўштнинг «додаси»ни кўрасиз. Яхши «дода» экан. Икки кило тортиб бер, дейсиз. Қассоб ҳам илтифот қилади.

– Қаеридан тортай?

Кўрсатасиз, албатта.

Айтган жойингиздан тарозига қўяди. Уйга келсангиз, иккита ёввойи мушукнинг калласидай келадиган суяк чиқади. Қачон қўйди экан – ҳайронсиз. Ёки қўйнига яширганмикин. Қўлини кўксига қўйганда олиб секингина қўшиб юборган-ов.

Буюм бозорига қадам қўйиш мушкул. Туртиниб-суртиниб излаган растангизга етиб борасиз. Туфлини кўрасиз.

– Нархи қанча?

– Ҳа, энди от билан туя бўлармиди, кийиб кўринг.

Кийиб кўрасиз. Лоп-лойиқ.

– Ярашганини қаранг, – дейди сотувчи. – Яхши мол яхши-да. Таиландники. Тўрт ярим минг сўм берақолинг. Ярқиллатиб кийиб юринг.

Уйга келсангиз ўғлингиз койийди.

– Нега олдингиз буни, халтура-ку! Тўрт ярим минг сўмга! Уч ярим мингга ипподромда берадику, ахир. Жуда ҳам соддасизей.

«Таиланддан келтирилган» туфлини бир ҳафта киясиз. Қарабсизки, секин-аста пошнаси кўчиб тушади. Шунақаям нозик бўладими! Таиланддагилар уни оёғига киймай, қўлида кўтариб юришармикин?

Бозор... Қидирган нарсангизни шу ерда топасиз. Бир-бирини алдаш ҳам шу ерда: Хуллас, ҳалол-ноҳалол аралаш-қуралаш бўлиб кетган. Энг ажабланарлиси маҳсулотни кўрасиз, нархини билиб оласиз. Маош куни оламан, деб ният қиласиз. Маошингиз қўлга текканда келсангиз, унинг нархи икки баробар ошиб турибди-да.

Бозор қандай бўлади ўзи, унинг қоидаси борми? Вилоятимизнинг ҳамма туманларида, шаҳарларида катта-катта бозорлар бор, у ерлардаги аҳвол қандай? Ҳамма учун бирдекми? Харидорлар ҳақига кўз олайтириш қачон тугайди? Савдогар аҳли қачон инсофга келади? «Деҳқон бозори» деган ёзув қачон ўзини оқлайди? Аслида уни «Деҳқончилик маҳсулотлари бозори» десак тўғри бўлмайдими? Нега барча бозорлардаги нарх мўътадил эмас. Ўйлайверасиз, ўйлайверасиз... Яхшиси, азиз муштарийлар, бозор ҳақида ўз кўрганларингизни, гувоҳ бўлганларингизни бизга ёзиб юборинг. Ана, ўшанда барча нарса равшан бўлади.

...Кўчадан иккита елим халтада у-бу нарсани кўтариб уйга кириб келдим. Бора солиб, бир пиёла яхна чойни симириб юбордим. Рангим ўчган бўлса керак, аёлим югуриб келди.

– Нима бўлди, адаси, тинчликми?

– Хеч нарса бўлгани йўқ, – дедим ҳорғин, – ҳозир ўтиб кетади. Шунчаки бозорга кирувдим...

Чиндан «отанг бозор, онанг бозор»ми? Агар биз унинг фарзанди бўлсак, ота-онамиз бизни шунча қийнайдими?

***Темур УБАЙДУЛЛО,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***




# ИҚТИСОД ҲАМ САНЪАТ

***XIX аср охирида ва XX асрнинг бошларида яшаб, ижод этган машҳур ўзбек олими ва педагоги Абдулла Авлоний кўплаб мавзуларда илмий асарлар ёзган. Шунингдек, олим араб, рус, озарбайжон ва форс тилларини ҳам мукаммал эгаллаганди. Чунончи унинг илмий китоблари орасида энг машҳур, мазмундор ва пухта саналган асари «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» бўлиб, у педагогикага, бола тарбияси ва аҳлоқига бағишланган.***

Авлоний бу асарни 1913 йилда ёзган эди. 1917 йилда эса иккинчи бор нашр қилинганди. «Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ» китоби Кайковуснинг «Қобуснома», Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билик», Ахмад Донишнинг «Ўғилларга насиҳат» асарларига мазмунан ва ғоявий жиҳатдан яқин туради. Авлоний ўз асарини амалиётда ҳам қўллаган эди.

«Туркий гулистон» асаридаги бир боб «Иқтисод» деб номланган. Чунончи, «Иқтисод» шундай сўзлар билан бошланади: «Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакка айтилур. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз бир ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас. Саҳоватнинг зидди бахиллик бўлгани каби иқтисоднинг зидди исрофдир. Оллоҳ таоло исроф қилувчиларни суймас. Иқтисодни риоя қилган кишилар ҳамма вақт тинч ва роҳатда яшарлар, арилар қиш кунида емак учун бол йиққанидек, бошларига келадурган қора кунларни ўйлаб, пул йиғурлар. «Томa-тома кўл бўлур» – демишлар. Ҳар нарса оздан кўпаюр.

***«Кўпни озайтирувчи хотин киши,***
***Озни кўпайтирмак эрур эр иши».***

Авлонийнинг фикрича иқтисод, тежамкорлик инсонлар хаётининг негизини ташкил этади. Негаки, кишилар тадбирларининг муваффақияти, амалга оширилаётган ишларнинг униб ўсиши, тўпланган пул ёинки молни қўлдан бой бермаслик, уларни янада кўпайтириш учун ғоятда тежамкор, иқтисод юритувчан бўлиш даркор. «Нафақат пул ишлаб топишни балки, уни ишлатишни ҳам билиш керак. Исрофгарчилик-иқтисоднинг зиддий томонидир», деб таъриф беради олим. Юқорида айтилганидек ҳатто арилар ҳам қиш ғамини кузда ейди.

Авлоний ўз фикрини шундай давом эттиради: «Ҳозирги замонда мақсадга етмак, ўз миллатига хизмат қилмак, халққа мақбул бўлмак учун илм ва мол лозимдир. Оламдаги ҳамма миллатларнинг ҳол ва қудратлари мол ва бойликлари ила ўлчанадур. Мол топмакнинг энг баракали йўллари: ҳунарчилик, экинчилик, чорвачилик, савдогарчиликдир. Буларнинг ҳар бирига ҳам бу замонамизда билим лозимдир. Боболаримизнинг «Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» замонлари ўтуб, ўрнига «Билган битар, билмаган йитар» замони келди. Сўзнинг қисқаси ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмак учун илм ва маърифат ила баробар иқтисод, инсоф, туганмас саъй, битмас ғайрат лозимдир».

Ҳа, Авлонийнинг мулоҳазаларига кўра, кишилар ўз кўзлаган мақсадларига етишишлари, асосийси ўз миллатига хизмат қилишлари ва халқ орасида, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун илм ва мол энг зарурий саналади. Кимнингки илми, орттирган билимлари, мол-мулки етарли ва кўпроқ бўлса, ана ўша кишининг ўз жамияти ривожига қўшадиган ҳиссаси янада салмоқли бўлади. Авлонийнинг ушбу фикрлари ажиб бир тарзда бизнинг ҳозирги бозор иқтисодиётимиз талабларига муштараклик ҳосил қилади.

Сўнгра, «Иқтисод»нинг охирроғида Абдулла Авлоний Муҳаммад Расулуллоҳнинг сўзларини келтиради: Расули акрам, набиййи муҳтарам саллолоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Сўнг замонларда динни сақламак мол ила бўлур. Иқтисод узра ҳаракатли кишилар фақир бўлмас» – дермишлар. Яна: «Ҳар нарсада ўрта иқтисод йўлини тутмак лозимдир. Ифрот ва тафритдан иқтироз қилмак керак. Ҳатто дин амринда ҳам бир одам ортуқ суфийлик сотса, охирида ўзи мағлуб бўлур», демишлар».

Муҳаммад пайғамбаримизнинг ана шу сўзлари бизга ғоятда катта сабоқ беради. Негаки, иқтисод юритган, унинг узра ҳаракатда бўлган кишилар ҳеч қачон ночор аҳволда қолмайдилар. Сўнгра Авлоний «Иқтисод» бобини шундай байт билан якунлайди:

***Халқ ичинда мўътабар бир нарса йўқ давлат каби,***
***Бўлмағай давлат жаҳонда қуввату сиҳат каби.***
***Иқтисод, инсоф зийнатдир вужуди одама,***
***Яхши неъмат йўқ кишига саъй ила ғайрат каби.***

Пиравордида шуни қўшимча қилиш лозимки, Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ» асари, ундаги «Иқтисод» боби биз учун ҳозир ҳам бамисоли қўлланма бўлиб хизмат қилади.

***Дилшод ҚОСИМОВ.***

# «БЎЗ»ГА БИР КЕЛИНГ

*Шаҳримиз бозорларини савдогар, олибсотарлар эгаллаб олиб, деҳқонга йўл бермай арзонга олиб қимматга сотиб, мўмай даромад орттирмоқдалар, деймиз. Ҳамма ерда ҳам шундаймикан? Йўқ, албатта.*

Тошкентдаги Мирзо Улуғбек туманида жойлашган, «Дўстлик» кинотеатри ёнгинасида, замонавий лойиҳа асосида қурилган, 300 ўринли 5 растали Бўз бозори 1999 йилда очилган эди. Тошкент вилоятининг 6та туманидан деҳқонлар Бўз бозорида ўзлари етиштирган маҳсулотларини сотадиган бўлишди. Ҳатто, Сурхондарё, Қашқадарёдан ҳам шу бозорга келиб савдо қилаётганлар кўп. Энг муҳими, «Бўз» маҳалласидаги 6000дан ортиқ аҳоли, Юқори Вольт, Морозов, Академиклар шаҳарчаси даҳаларида яшовчи минглаб ишчи-хизматчилар вақтдан ютишди.

Деҳқонлар бозор маъмуриятидан ғоят мамнунлар, аҳоли хурсандчилигини айтмаса ҳам бўлади.

Арслон ОДИЛОВ: – 1 килограмм жигар супермаркетда 800 сўм бўлса, биз олувчилар талабини ўрганиб, 300 дан 400 сўмгача сотаяпмиз. Маҳсулот ўзимизники, савдогар эмасмиз-да.

Олим БОЙСУНОВ: – Кўриб турганингиздай картошкалар 70 сўмгача сотилмоқда.

Фазлиддин ҚОДИРОВ: – Упа-элик, совун, кир ювиш воситалари каби 100 дан ортиқ моллар билан савдо қиламан. Биз ўз молларимизни бошқа жойдагилардан беш фоиз арзон сотаяпмиз. «Инсоф сари барака»-да.

Бўз бозор келажакда яна кенгайтирилади. Мақсад деҳқонларга яхши шароит яратиб бериш. Деҳқонлар кўп маҳсулотлар олиб келса, аҳоли учун маҳсулотлар ўз-ўзидан арзонлашаверади, бу – бозор иқтисодиёти қонуни, – дейди назоратчи тарозибон Мунирахон Бобомирзаева.

Хуллас, Бўз бозорига харидга борсангиз, албатта, хурсанд бўлиб қайтасиз.

***Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ.***

## Буни ҳаёт дейдилар



# САДОҚАТ ҲАЙКАЛИ

– Азизбу, оғир бўл, Турдимат иш жойида... ҳалиги... фалокат-да, – қўшнининг қийнала-қийнала айтаётган гапи бўғзида қолди. Қандайдир мудҳиш бир фалокат юз берганини Азизбу опа унинг ранг-рўйиданоқ сезган, қуш бўлиб питирлаётган юрак уриши баттар тезлашган эди. «Болаларининг отасига нима бўлдийкин? Соғмикан ишқилиб? Оғир бўл дедими? Йўқ, йўқ...» Унинг юришга мадори қолмади, кўча бошидаги ўн чоғли одамни кўрди-ю, ногоҳ юраги қалқиб кетди.

Турдимат ака иш жойида фалокатга учраб, навқирон ўттиз етти ёшида бу ёруғ оламдан кўз юмган эди... Азизбу опа ўн нафар ўғил-қизи, қорнида икки ойлик гумонаси билан чирқираб қолаверди. Турдимат ака оилада ёлғиз ўғил бўлганлиги сабаб ўзининг фарзандлари, ўғиллари кўп бўлишини истарди, ниятига етди. Бирин-кетин ўғил-қизли бўлди, аммо уларнинг камолини кўриш насиб этмади. Тўнғичи Сулаймон энди эр етганида Азизбу опа бир этак боласи билан ҳайҳотдек ҳовлида дилдираб қолди.

Кечалари сабрдан кўйлак бичди аёл, қаноатни устига кўрпа қилиб ёпди. Ўн олти ёшли сулув келинчаклик онлари, паноҳи Турдиматнинг ёниқ ниятлари унинг уйларига тиниқлик киритди, яшашга, яшаганда ҳам енгиб яшашга ундади. Атрофидаги саҳоватпеша кишилар, эрининг жигаргўшалари далдаси остида қўлида гул ундирди – гўдаклари бирин-кетин вояга етишди.

Отасининг вафотидан кейин етти ой ўтиб, Умида дунёга келди. Қизалоқ отасининг сувратини тасаввурига жойлаб улғайди. Тўнғич оғаси Сулаймонни ота ўрнида кўриб, унга суянди. Сулаймон отаси қазо қилганида эндигина олийгоҳга ўқишга кирганди. Ўқишни ташлаб келиб онасига мадад бермоқчи бўлганида Азизбу опа шаштидан қайтарди:

– Болам, от ўрнини той босар, деганлар. Отанг ҳаммангизни ўқитиб, элга қўшишни орзу қиларди. Унинг орзуси армонга айланмасин десанг ўқи, одам бўл, укаларингни ҳам тўғри йўлга сол. Шунда мен ҳам беармон яшайман, – деди онаизор.

Рўзғорнинг оғирлиги онанинг зиммасида эди, аммо Қирғизовулда бир урф бор – ёлғиз онага бутун овул қайишади. Ортиқча маломатлардан ўз опаси ёхуд сингилсининг шаънини ҳимоя қилгандек жон тортиб асрайдилар. Аёлини асраган элда, ориятли ақраболар ҳимоятида кўкарди Азизбу опа.

– Опа, менинг дадам қаерда? – тили чиққан Умида ҳайрат тўла нигоҳларини онасига қадаганида, Азизбу опанинг кўкси қалқиб кетарди.

– Дадангми, даданг-чи, қулуним, Москвага ишга кетган, кўрасан бир кун эшикдан Умида, мен келдим, деб кириб келади, – онасининг ўрнига Гулниса аммаси қизалоққа жавоб қайтарарди. – Сенга ва оғаларингга кў-ўп совғалар олиб келади.

Гулниса (Гулбанд) оғаси Турдиматдан қолган ўғил-қизларни тарбиялашда, оқ ювиб, оқ тарашда янгасидай куюнчак бўлди. Укаларига чексиз меҳр билан боқди. Оҳ деса, олдидан жилмай, Азизбу опага тиргак бўлиб яшади. Бугун ҳам Гулниса опа Қирғизовулдаги ёшлиги ўтган азиз хонадонга келганида, жигарлари меҳрибон аммаларини кўриб қувончларини ичига сиғдиролмай қолишади. Нимаики муаммоли, кенгашли гап чиқиб қолса, Гулниса опаларига маслаҳат солишади. Турдимат аканинг чироғини ёқиб ўтирганлар аммаларига худди чинорга суянгандек суяниб, кўнгил ёрадилар. Яхшилик доим яхши сўз билан эсга олинар экан. Азизбу опа Гулнисанинг номини меҳрибон жигарбандидек тилга олади. Ҳа, одамнинг тафтини одам олади. Аёлнинг тафтидан эса гул унади, деганлари ҳақ гап.

Умида ана шундай ардоқли, қаноатли инсонлар меҳри тафтида ўсди. Оғалари уни еру кўкка ишонмай, суюб-ардоқлаб яшайдилар. Бугун Умида ҳам талаба, ўзига талабчан, идрокли қиз эканлигидан онасининг кўнгли тоғдек кўтарилади. Турдимат аканинг ёруғ олам билан видолашганига йигирма уч йилдан ошяпти. Ўттиз олти ёшида ўн бир боласи билан бош эгасидан жудо бўлган сулув бека Азизбу опани бу йиллар синов оташида тоблади. Ҳам эркак, ҳам аёл бўлиб тер тўкди, кун тунни енгганидек, серфарзанд бева турмуш машаққатларини енгиб яшади.

– Акангиз ҳаётлигида турмуш ташвишларидан узоқда эдим, кекса қайнонам, қайинсингилларимга суяниб қолдим. Энг яқин кишингдан жудо бўлиш оғир кунларингда билинар экан. Болаларим бетоб бўлиб қолса, тонггача илтижо билан йиғлаб чиқардим. Худойим, шугиналаримдан айирма, отасининг ўрнини боссин, деб нолалар қилдим. Минг бора шукр, болаларим юзимни ёруғ қилишди. Сулаймон, Назир, Шокир, Ҳусан, Абдусаттор касб-корли, эсҳушли, овулдагиларнинг ардоғидаги одамлар бўлишганидан бошим осмонда. Зоҳида, Роҳида, Фотима, Шоҳида, Зулайҳо, Умидалар – юрагимнинг юлдузлари. Айрилиқ азобини эслаб фиғон чекишимга йўл бермаган ширин дамларим ана шу фарзандларим бўлди, болам, – дейди Азизбу опа Эралиева биз билан суҳбатда.

Бугун эндигина олтмиш ёшга қадам қўйган, аммо ёлғизликнинг олтмиш минг чиғириғидан ўғил-қизлари камоли учун матонат билан ўтган Азизбу опани, унинг файзли-баракотли хонадонини Қирғизовул қишлоғида ҳамма эъзозлайди. Ўғлим бўлса, Азизбунинг ўғлидек, қизим бўлса, Азизбунинг қизидек бўлсин дегувчилар Паркент туманида бисёр.

Азизбу опа хонадони дам олиш кунлари байрамона тус олади. Ўттиздан зиёд невараси, шаҳарда ишлаб истиқомат қилаётган ўғиллари, келинлари она дийдорига талпинадилар. Онаизор эса нурли юзларидан меҳр ёғдириб уларга қучоқ очади. Бир вақтлар нори ҳувиллатиб кетган оташ бағрини дилбандларининг фарзандлари ҳам тўлдираётганлигидан масрур. Илоҳо, Азизбу опанинг меҳнатлари роҳатга айланганлиги рост бўлсин.

***Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.***

# МЕҲР-МУРУВВАТ СОВҒАСИ

*Меҳр-мурувват кўрсатиш, саховатпешалик халқимизнинг энг яхши фазилатларидан биридир. Айниқса, байрамлар, тантанали кунларда меҳрибончилик, эзгулик ишлари янада кўпроқ бўй кўрсатади.*

Янги йилни шоду-ҳуррамлик билан кутиб олдик. Унинг қувончлари болалар даврасида ҳамон давом этяпти. Катталарнинг ва ҳомий ташкилотларнинг совғалари эса кичкинтойларнинг қувончига-қувонч қўшмоқда. Ана шундай тантаналардан бири Чирчиқ шаҳридаги Кимёгарлар маданият саройида ўтказилди.

Бу янги йил арча байрамининг бошқаларидан бироз фарқи шунда бўлдики, байрамда ота-онасидан бевақт ажралиб қолган, қариндош-уруғлари қўлида тарбияланаётган 500 нафар бола қатнашди. Байрамга Чирчиқ, Оҳангарон, Олмалиқ, Ангрен шаҳри ва Тошкент вилоятининг ўндан ортиқ туманларидан болалар қатнашди. Байрамни Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Хўжаева очиб, ўзининг эзгу истакларини билдирди.

Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова 600 минг сўмлик байрам совғаларини болаларнинг ҳар бирига тақдим этди.

***«Туркистон-пресс».***

# ДАСТУРНИ ТУЗИШ ЭМАС, БАЖАРИШ КЕРАК

***Оилада фарзанд дунёга келса, бобо-момоларимиз фотиҳага қўл очиб: «Илоҳим умри, ризқи билан берган бўлсин» дея дуо қиладилар. Янги меҳмоннинг онаси эса: «Ишқилиб доянинг қўли енгил бўлсин, боламбенуқсон, соғлом ўсиб-улғайсин», дея Яратгандан илтижо қилади. Бекобод тумани туғруқхонасига кириб борарканман, хаёлимдан ўтган дастлабки фикр шу бўлди.***

Бош акушер шифокор Фотима Йўлдошева мени мазкур муассаса фаолияти билан таништирар экан. 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши бу ердаги ижобий ўзгаришларнинг бош омили бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Сабаби, — дейди Фотима опа, — илгари келган оғироёқ аёлларга вақтинчалик мижоз сифатида қараларди. Энди эса, ҳар бир ҳомиладор аёл то кўзи ёриб, қувватини тиклаб олгунга қадар туғруқхона ходимларининг тўлиқ эътиборида бўлади. Бу йилнинг яна бир диққатга сазовор томони мамлакатимизнинг кўпгина шаҳар ва туманларида «Скрининг» марказлари очилди. Уларнинг вазифаси ҳомилани олдиндан текширувдан ўтказиб, дардга чалинган бўлса, она қорнининг ўзидаёқ даволашдир. Туғруқхонанинг ўзида аниқ ташҳис қўйишнинг ҳозирча имкони йўқ. Шунинг учун, ҳомилада касаллик бор деб гумон қилинганда, текширув натижаларини Тошкент шаҳридаги «Скрининг» марказига жўнатамиз.

Давлат дастурига асосан бу ерда ёш оналар мактабининг ташкил этилганлиги ҳам ўз самарасини бермоқда. Малакали доя ва шифокорлар илк бор туғувчи аёлларга бола парваришига оид маслаҳат ва кўрсатмалар бериб, уларга китоб шаклидаги қўлланмалар тақдим этадилар. Шифохонанинг соҳа бўйича вилоятда биринчи ўринда эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. 78 фоиз ҳомиладор аёллар шу ернинг ўзида туғруққа тайёрланади. Бунинг самарасини эришилган ютуқларда ҳам кўриш мумкин. Болалар туғилиши ва ўлимини олайлик. Ўтган йили 2 минг 45та чақалоқ дунёга келган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 2084тага етди. Бир ёшгача бўлган болалар ўлими эса, ўтган йили ҳар минг чақалоққа 18,6 тага тўғри келган эди, бу йил у 15,8тага камайди. Ўтган йили ногирон туғилган болаларнинг 16таси дунёдан кўз юмган бўлса, бу йил 11 ногирон чақалоқ ўлими қайд этилди.

— Тўғри, — дейди туғруқхона акушер шифокори Фотима Аҳмедова, — дастур асосидаги ишларнинг барини тўкис амалга оширишга улгура олмадик, 2001 йил «Оналар ва болалар» йили деб эълон қилиниши чала қолган ишларимизни ниҳоясига етказиш имконини беради. «Соғлом авлод йили»да эришган ютуқларимизни янада ривожлантиришга, учраётган муаммо ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга йўл очилди.

Туғруқхона бўлимларидаги оналар ва ҳомиладор аёллар билан бевосита суҳбатларимиз мобайнида, улар бу ерда яратилган шароитлардан, доя ва шифокорлардан мамнун эканликларини кўрдик.

Туманда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида қилинаётган бундай ишлар яхши, албатта. Лекин, бу ҳаммаси жойида дегани эмас. Биз бугун жойларда оналар ва болалар ўлимини камайтириш учун эмас, умуман йўл қўймаслик учун курашмоғимиз керак. Бу яхши ният «Оналар ва болалар йили»да туманда бош шиорга айланса, нур устига аъло нур бўлади.

***Равшан ЁҚУБЖОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

# САРМОЯ БИЗДАН

Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси қарорига мувофиқ аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси, вилоят Бизнес-фонд бошқармаси ва бошқа ташкилотлар тадбиркорларга микрокредитлар ажратиш ишларини давом эттирмоқдалар.

Яқинда ушбу ташкилотлар томонидан Янгийўл шаҳридаги «Водолей» хусусий фирмасига 500 минг сўм, Бўстонлиқ туманидаги хусусий тадбиркор Эшонқуловага бир миллион сўм, Қибрай туманидаги «Санобар» хусусий фирмасига икки миллион икки юз минг сўм ҳамда Ангрен шаҳридаги «Сервис» фирмасига икки миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди.

***Ўз мухбиримиз.***

# 60 ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИГА

Янги йил арафасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Паркент тумани кенгаши тумандаги 60 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига меҳр-мурувват ёрдамини кўрсатди. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад ночор оилаларга моддий ҳамда маънавий кўмак бериш бўлса, айни пайтда давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ҳимояга кўмаклашиш ҳамдир.

***Равшан РУСТАМОВ.***

# АСР ТЎНҒИЧИГА АСИРА ИСМИНИ ҚЎЙДИЛАР

Ангренда янги йил, янги аср, янги минг-йиллик тўнғичининг таваллуд топишини сабрсизлик билан кутдилар. Бу ҳурсандчилик воқеаси январнинг биринчи куни тунда соат 1.00да содир бўлди. Шу вақтда шаҳарнинг Улуғбек кўчаси 11-уйида истиқомат қилувчи ҳомиладор Муҳайё Бекжонованинг кўзи ёриди ва ўзи истаганидек тўнғичига қиз кўрди. Вазни 3,6 килограммлик тош босган Ангреннинг бу йилги тўнғич фарзандига замонга мослаб Асира деб исм қўйдилар.

Шаҳар туғруқхонасида фарзанд кўриш учун ётган аёллардан Мамлакат Сайфуддинова эса иккинчи бўлиб фарзанд кўрди. Шу билан унинг фарзандлари сони иккитага етди. Эрталаб соат 3.30да олам юзини кўрган бу чақалоқ жуда соғлом бўлиб, тортилганда 3,7 килограмм келди. 1 январь куни туғруқхонада 7 нафар янги меҳмонлар таваллуд топдилар. Уларнинг ҳаммасига маслаҳатлашиб, замонага мос исмлар қўйилди.

***Ўз мухбиримиз.***

Наср

# Аросатда қолган қиз

Ҳикоя



Жаннат дарвозаси олдида оппоқ кўйлак кийган бир қиз беҳуш ётарди. Уни кўрди-ю, жаннат забонияси бошини сарак-сарак қилиб қўйди. Кейин «Нима қиламиз?» дегандай Азроилга қаради. У учбурчак қошларини чимириб елка қисди. Забония қўлларини қизнинг пешонасига босган эди, унинг қуюқ киприклари пирпираб очилиб кетди.

— Аросатда қолмасин! Бир иложини қилайлик... — деди у.

Қизни Яратганнинг пойига олиб бордилар.

Қиз Етти қабат парда ортида ҳам тоғларни эритгудай қудратга эга бўлган ёғдуни туйди. Юраклари алланечук бўлиб кетди. Забония билан Азроил воқеани тушунтирдилар.

— Бўлмаса, эй, Моҳипора, Жаннат меваларидан олиб бозорга бор. Меваларни текинга улаш. Эвазига бир сўм ҳам олма! — деди Илоҳий овоз.

... Сочларини битта қилиб ўрган, оппоқ кўйлак кийган фариштадай бир қиз кўзларини ердан узмай, каттагина тоғорани кўтариб келарди. Тоғора устига оқ чит рўмол ёпиб, танғиб боғланганди.

Қиз бозор дарвозасини ҳатлаб ўтиши билан уни бир-иккита, узун-қисқа тадбиркор йигитлар ўраб олишди.

— Тоғорангиздаги нима? — сўради улардан бири.

— Узум... — жавоб қилди қиз мулойим.

—Кўрсак бўладими?

Қиз тоғорани ерга қўйди-да, рўмолининг бир четини очиб кўрсатди. Дурдай узум доналарини кўриб, йигитчанинг кўзлари ўйнаб кетди.

Қанчадан бермоқчисиз? — шошиб қолди у.

Қиз индамай йўлида давом этди.

— Нархини келиштириб бераман... — ялинди у. — Ўзингиз сотолмайсиз яхши қиз. Узумдан яна борми? — сўради йигит. Унинг кўзлари ғалати ялтиради. Қиз «бор» дегандай бош ирғаб, кулимсиради.

— Тўхтанг, бир пас тўхтанг! — унинг йўлини тўсди у. — Биз мевани четга олиб чиқамиз. Яхшигина пул ишлаб оласиз. Бозорнинг энг юқори нархида беринг, ана!

— Бу узум сотилмайди, — деди қиз ширин жилмайиб.

Гарчи у буни мулойимлик билан айтган бўлса-да, йигит бошқа гапга ўрин қолмаганини тушунди. Ғижиниб, гўё қизни менсимагандай, унинг ортидан «чирт» этиб тупуриб қолди.

Субҳидам бўлишига қарамай, бозор авжида, бақир-чақир, тумонат одам. Мева-чева тиқилиб кетган. Кафтдек бўш жой кўринмайди. Бу ерда ҳамма нарса сотилади. Мева-чева ҳам, тушингизга кирмаган нарсалар ҳам... Бозорнинг бозорбоп қонунлари бор-да!

Қиз бўш жой излаб, тезгина узум сотаётганларга кўз югуртириб олди. Пештахталарнинг энг четида, айни кирди-чиқди ерда бир энликкина жой бўш эди. У ерда бир тажанг чол харидорга ўшқирарди:

— Тегманг, узумга, тегманг ахир! Уринтириб қўясиз, — чолнинг кўзи укиникидек ўткир, гапирганида бир тутам соқоли селкиллаб кетар, ўсиқ қошлари бит кўзларини қизғангандай тўсиб турарди. — Намунча!.. — бақирди у, — намунча титкилайсиз! Боринг, бошқадан олинг!

Қиз қимтинибгина унинг ёнига тоғорасини қўйди. Кейин худди чол уришиб берадигандай унга ҳадиксираб қараб қўйди. Ён-атрофдаги хотин-халаж эса кўзларини қадаб, қизни кузатишарди. Бундан қиз ўзини баттар ноқулай сезди. У тоғора устидаги рўмолини ечди-ю, шамалоқдай дурдона узум кўзни қамаштириб юборди. Узумки, ҳар донаси ёнғоқдай, қаҳрабо мисол тиниқлигини айтинг, оғзингизга солсангиз «карс» этадию, «қулт» этиб шарбат ютасиз. Новвотдек товланиб турган узумнинг олдида, бошқаларники шингил-шалпоқ бўлиб қолди.

Буни кўриб амакининг баттар қовоғи уюлди.

— Сал сур тоғорангни! — деди у асабий. — Тоғдай уюбсанми ўзинг ҳам. Бўшат буни! Узумимни тўсиб қўйди-ю!

— Ҳозир камайиб қолади, амакижон, — деди қиз кулиб.

— Қатта камаяди, а, қатта камаяди! — янада тажанглашди чол, — Сур дегандан кейин, сур-да!

Қиз ноилож тоғорасини ерга қўйиб, пештахтага икки-уч бош узум терди.

— Узум қанчадан бўлди, синглим? — сўради сал нарида тоғузум сотаётган шопмўйлов йигит. У қизга ҳам, узумга ҳам еб юборгудек тикиларди. Афтидан «тадбиркор». Қиз унинг ниятини тушуниб индамади.

— Жа, бошқача хили эканми? Ростакам узумми? — деди у кўзларини катта-катта очиб.

Осмондан тушдими, ердан чиқдими, бозордаги эзгулик ва жаҳолат тарозусидай паттачи пайдо бўлди. Ўзи ҳам девдай гавдали бу одам қип-қизил майка кийиб олганди. Қизил майкани кўриб ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетди:

— Қани, қани, тескари қараманглар, бўлақолинглар... — деди шўхчан овозда. Бундан ҳамманинг энсаси қотди. Паттачи эса худди ўз уйида юргандай, қизнинг узумидан бир каттагина бошни олди.

— Қани, онагинам... — деди у қизга юзланиб.

— Ҳали сотмадим... — деди қиз ийманиб, — умуман... сотмоқчи ҳам эмасман.

— Кўтара бермоқчимисиз? — жонланди шопмўйлов.

— Сотмасангиз нима қиласиз бу ерда сарғайиб? Молни топширинг-кетинг! — ишбилармонларча маслаҳат берди паттачи. Қиз яна индамади.

— Бир соат муҳлат! — деди-ю паттачи қизил чўғдай бўлиб нари кетди.

Ҳамма енгил нафас олди.

Узум улашиш бунча қийин бўлмаса-я! Ахир керакми-йўқми, қиз уни ҳаммага зўрлаб тиқиштиролмайди-ку! Масалан, анави сочи калта қирқилган сатанг аёлни олинг. Шунинг кетидан бир найнов овораи сарсон... Йигит «опа-опа»лаганча «кнопка»нинг кетидан қолмасди. Афтидан шофёри, югурдаги ва балки...? Сотувчилар шундай ўйлашади-да!

Қиз сергакланди. Аёл шу ерда ҳам кибор билан узум еб кўрар, шофёрни ҳам судрагудай эргаштириб юрарди.

Ниҳоят, улар қизга рўпара келишди. Маржондай товланиб турган узумни кўриб аёлнинг сал чиройи очилди. У узумдан бир донасини олиб, оғзига солди-да, кўзларини сузиб бай-байлади:

— Вот эта — узум! Вот эта я панимаю, — деди у. Кейин:

— Қанчадан? — деб сўради ишбилармонларча, гўё ўзимга ёққан нарсадан пул аямайман дегандай.

— Текин, опажон, олаверинг! — деди қиз.

Буни эшитиб, ҳамманинг оғзи очилиб қолди. Айниқса, ёнидаги амакининг кўзлари олайиб кетди:

— Қанчааа! — ҳайратдан бақириб юборди у.

— Пул бермай олаверинг! — ойдинлаштирди қиз, — қанча тортай?

Атроф сув қуйилгандай, аммо қулоқ динг. Қулоққа сув тегмайди-да!

— Неча кило керак? — қайтадан сўради қиз.

— Уч кило етади-а, Шух?! — деди аёл такаббурлик билан. Қиз узумни тортиб аёлнинг ғилдиракли алламбало идишига жойлади.

— Қанча дедингиз? — зотан аёл қизнинг «текин» деб чирқиллаганига эътибор ҳам қилмаганди.

— Текин, опажон, олаверинг! — деди қиз сидқидилдан.

Аёл аввалига ҳеч нима тушунмади. Кейин унинг чувалчангмисол қошлари чимирилиб кетди.

— Сиз бизни ким деб ўйлавотсиз?! — ўшқирди у. — Ман гадоймасман! Ё гадойга ўхшавотманми? Манавини об қўй! Чой-чақага ишлатарсан, — деди-да аёл қўлидаги бир даста икки юз сўмликни тоғоранинг устидан сочиб юборди. Қиз кутилмаган воқеадан довдираб қолди.

— Саховатпеша бўлган сендан! Подумаеш... — аёл шундай дея уни ер қилгудек тикилди-да, кетди.

Қиз йиғламоқдан бери бўлиб, пулларни йиғиштириб олди. Атрофдагиларнинг энсаси қотди.

— Узумни, жа, ерга уриб юбордингиз-ку, синглим! — деди қиздан юқорироқда турган аёл — меҳнат қилиб, белингиз оғримаган шекилли!

Биров у деди, биров бу деди. Аммо қизнинг қулоғига гап кирмасди. Маъсума бир қиёфада одам кутарди. У ўзини ҳам улашиб юборишга тайёр эди. Харидорлар расталар оралаб айланишар, аммо қизнинг узумини томоша қилиб ўтиб кетишарди. Нархини сўрашдан чўчишарди-да! Узум эмас, мунчоққа ўхшаса, ахир. Одмигина кийинган, ҳатто пардоз ҳам қилмаган бир аёл растага яқинлашди.

— Бунақа узумни биринчи кўришим. Қанақа сорт экан?

— Донаи маржон, — жавоб берди қиз қувониб.

— Қанча деяпсиз, ўргилай? — нархи чақиб олмасин дегандай эҳтиёткорлик билан сўради аёл.

Қиз хурсанд бўлиб, узумни тарозига сола бошлади.

— Вой, опоқижон, текин! — деди қиз.

— Ўша текинингиз қанча, садағангиз кетай? Ширинлигини, бай-бай! Узумингиз ҳам ўзингизга ўхшаркан.

— Умуман текин! Неча кило тортай?

Аёл ўша заҳотиёқ қўлини узумдан тортиб олди.

— Нега текин? Қанақасига текин? — жиддийлашди у.

— Савоб учун! — деди қиз нима дейишини билмай. Аммо бу тахлит жавоб зиёлинамо аёлни қониқтиролмади.

— Сумкангизни очинг...

Бироқ аёл сумкасига худди бомба солинаётгандай уни жаҳл билан тортиб олди.

— Бир балоси бўлмаса, нега ҳам текин сотиларди бу, — деди-ю, қизга ҳайрат билан қарай-қарай нари кетди. Аёл нақ олти юз сўмга сўлиб қолган шингил-шалпоқ узум олди.

Узоқдан яна қизил майка кўринди.

— Қани, қани... бир чеккадан, бўлақолинглар! — бақирди у.

Бу пайтда қизнинг тепасида икки-учта харидор пайдо бўлди. Бири бойвачча, қориндор, иккинчиси гавдасини атай чўзиб қўйгандай қилтириқ новча талаба, яна бири аёл киши. Бойвачча харидор талабага истеҳзоли назар ташлади, худди бунақа «дода» узумга харидор бўлишни сенга ким қўйибди, дегандай. Аёлнинг эса сеткаси тўла узум, шундай бўлса ҳам яна олмоқчи!

— Жуда ҳам антиқа хили эканми? Узум қанчадан бўлди ойимтилла? — сўради бойвачча.

Қизнинг ёнгинасида бир кило ҳам узум сотолмай, ўшшайиб ўтирган Лазиз амаки кесатди:

— Текин экан, укахон, олаверинг!

— Ўша текини қанча экан, дейман-да! — узумдан паққос тушираркан деди харидор.

— Умуман текин! — деди амаки кулиб.

— Ие! Шунақаси ҳам бўларканми?

Ўша атрофда тамшаниб ўралашаётган талаба хурсанд бўлиб кетди: «Нон бўлса текин, еявер секин!» деб минғирлади у қизга чаққонлик билан пакет узатаркан.

— Бўларкан-да, укахон, — гапида давом этди амаки, — синглимиз жаннатдан чиқиптилар.

— Ёппирай! — қизга ҳайрат билан тикилганча деди у. — Бўлмаса бир ўн кило тортинг...

Узум олган аёл ҳам яна ўн кило узум оладиган бўлди.

Бу пайтда паттачи «қизил майка» яқинлашиб қолган, унинг чўғдай майкаси ҳамманинг ғашини келтирарди. Айни чоғда буқа ҳам, коррида ҳам унинг ўзи эди. У қисиқ кўзларини янада қисиб ва балки юмиб пул санар, «ширт» этиб патта йиртиб узатарди.

Ниҳоят қиз узумни тортиб бойвуччанинг идишига солди. Харидор қизни узоқ дуо қилди.

— Яшанг, синглим, зап иш қилибсиз. Олтин олма, дуо ол, деган машойихлар, — ақллиларча деди у.

Паттачи бу сафар тажанг амакини нишонга олди.

— Ҳа, отам... чаққон-чаққон!

Амаки асабий қўл силтади.

— Эй! Бир кило ҳам сотмадим. Манави нархни тушириб ётибди-ю! — қизга ишора қилди у.

— Синглимиз узумни текин беряптилар... — гапга аралашди одмироқ рўмол ўраган аёл.

— Ким нархни туширса, кетади! — ўдағайлади паттачи. Ҳамма жим бўлди.

— Узумни қанчадан сотяпсиз, ойимтилла? — қизга юзланди у. — Қани, паттани тўлаб қўйинг-чи!

Қиз тоғораси тагидан боя бойвучча хотин сочиб кетган бир даста икки юз сўмликни олдида, паттачининг қўлига тутқазди:

— Худо хайрингизни берсин! Ҳаммасини олинг!

Паттачи киприк қоқмай пулни чўнтакка урди. Кейин уни «инсоф»га чақирган бўлди:

— Синглим, энди бу ер бозор. Фақат ўзингизни ўйламанг-да! Халқни норози қилманг!

— Умуман ҳайдаш керак, буни! Иҳсонини кўчасида қилсин! — норози бўлди қизнинг ёнидаги чол.

— Амаки! — овозини баландлатди паттачи. — Паттани тўлаб қўйинг, кейин гапирас.

— Битимга тўлийманми, бир кило ҳам сотмаган бўлсам...

— Мақас алдаб! — баланд келди қизил майка. — Ўзим қараб, кузатиб турибману! Давай, тўланг. Сотмаганмиш... Қачон қарама жанжал чиқарасиз, харидорлар минам жиғи-бийи бўласиз. Вот, сиззи чиқазвораман бозордан!

Лазиз амаки минғирлаб, сўкиниб патта тўлади. Кейин паттани пайпоғининг ичига солиб, яхшилаб беркитиб қўйди. Патта тўлагани алам қилиб, норози оҳангда қизга юзланди:

— Менга қара, қизим. Сан бўтта сотма, жон болам. Бизани кафангадо қиласан. Ўйда ўнта қора кўз кутвотти мани. Буни пулига... мана рўйхат қиберишган. Қара, қара... — рўйхатни қизнинг бурнига суқди чол, — сан оберасанми, буларни? Мандан хафа бўмагин, болам, — деб ўзини оқлаган бўлди.

***Нигина НИЁЗ.***

***(Давоми бор).***

## Бу китобни ўқинг

***«Шарқ» нашриёт матбаа концерни бош таҳририяти томонидан чоп этилган, фалсафа фанлари доктори, профессор Тилаб Маҳмудовнинг «Авесто» ҳақида» рисоласи ҳозирги ўзбек заминида бундан уч минг йиллар муқаддам пайдо бўлган «Авесто» китобининг таҳлилига бағишланганлиги билан ҳам ибратлидир.***

# "АВЕСТО" – ЭЗГУ КАЛОМ ВА ЭЗГУ АМАЛ

Аввало, зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлмиш «Авесто» – икки дарё оралиғида умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз – авлодларига қолдирган маданий ва маърифий меросларидан эканлигини таъкидлагимиз келади. Бу – жаннатмакон ўлкада давлатчилик ҳам, маънавият ҳам, маданият ҳам жуда қадим-қадим замонлардан бери устувор бўлганлигини эслатиб турувчи тарихий ҳужжатдир.

Асарнинг асосий мазмуни ва моҳияти одамларни яхшилик қилишга, эзгуликка, тинч-тотув ва аҳилликда яшашга ундайдиган, дунёнинг яратилиши, инсоннинг халқ бўлиб камол топиши, эзгуликнинг ёвуз кучларга қарши кураши, эркинлик, озодлик ва бунёдкорлик йўлидаги орзулари ўз ифодасини топгани билан ҳам ғоят қадрлидир.

Муаллиф мустақиллик туфайли юртимизда қадим-қадим замонларда мавжуд бўлган давлатчилик тараққиёти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий-маънавий ҳаётни атрофлича таҳлил ва тадқиқ этиш имконияти вужудга келганлигини мамнуният билан таъкидлайди. Одамларни яхшиликка ундовчи, тинч-тотув яшашга даъват этувчи зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» ва унинг фалсафий эстетик ғояларини талқин этувчи маълумотларни бирма-бир олға суради.

Рисолада «Авесто»дан таржима қилинган айрим ҳикматлар илова қилинган бўлиб, уларда Зардуштийлик динининг марказида ҳам жисмоний, ҳам ҳуқуқий оламнинг яратилиши борасидаги фалсафа мужассамдир. Бир қасидада пайғамбар Зардушт сўрайди: «Ким ойнинг ҳам чиқиб, ҳам сўнишини яратган? Ким ерни ва тушиб кетмасин деб булутларни яратган. Ким шамол тезлигини булутлар билан қовуштирган? Қайси мусаввир нур ва зулматни, тун ва бедорликни яратган? Ким эрталаб, тушки пайт ва кечага итоат этувчининг руҳини бошқаради? Ким отанинг юрагига ўғил кўриш орзусини солган?

Бунинг ҳаммасини Ахура – Мазда бунёд этган. Уни ўзи ўз руҳидан одамни жонли, онгли, ўзини-ўзи англагувчи қилиб яратган?».

Албатта, ушбу кўчирманинг мағзида қандайдир илоҳийлик, одамни яхшилик қилишга, ҳақиқат томон интилишга, адолатни ҳис қилишга ундовчи куртаклар ниш уриб тургандай бўлиб туюлади. Шундай эмасми?!

Рисолани ўқир экансиз, «Авесто» ва унинг пайдо бўлиши, амал қилиши минг йиллар оша қандай машаққатли йўлларни босиб ўтганлиги ҳақидаги маълумотларга ҳам эга бўласиз.

Зеро, Заратуштра таълимоти «Авесто»да олға сурилган фикрат эзгу калом ва амал ҳамон инсониятни эзгуликка чорлаб, одамларни руҳан поклаб тургандай бўлади. Инсон фикрати, сўзи ва тили билан гўзалдир, деган ғоя «Авесто»нинг бошидан охиригача асосий фалсафа сифатида талқин этилади. Ахура – Маздага бағишланган тиловатлар эса, инсонга илоҳий ҳузур бахш этади. Инсон руҳини, дилини, тасаввурини улуғлаш ва кўтариш, инсоннинг маънавий томонга парвоз этишида мададкор бўлиш «Авесто» қўшиқларининг романтик тантанаворлигида ўз ифодасини топа олган.

Ана шу тариқа ҳурматли домламиз Тилаб Маҳмудовнинг «Авесто»га бағишланган, қарийб ўн йиллик изланишлари рўёбга чиққанлиги ҳамда «Авесто»да зикр этилган «Эзгу фикрат, эзгу калом ва эзгу амал» юзага чиққанлиги билан муҳтарам китобхонни ҳам қутлаймиз.

***Шавкат ҚУЛИБОЕВ.***

## Bolalik bog'i

# BOG'CHAGA – DO'MBOQCHAGA

### Topishmoqlar



Yer bag`irlab o`sadi,
Egri-bugri gavdasi.
Daraxt, qiziq gullamay,
Hosil berar navdasi.
Mevasi qora, sariq,
Ichida g`ij-g`ij tariq.
Totlidir uni yesang,
Sut chiqar bargdan uzsang.
Nima ekan Jahongir,
Topdim, topdim bu?...

Tog`dan sachrab dur,
marjon,
Shodasi oqib kelar.
G`ayratidan o`t chaqnab,
Chiroqlar yoqib kelar.
U bilan gullar bo`ston,
Yurgan yo`li gullston.
O`simlikning joni u,
Mo`l hosilning qoni u.



***Tohir MULLABOEV.***

## Бекажон

# ЭСКИНИ ТИКЛАШГА ЭСИНГИЗ КЕТМАСИН

*Уйнинг бир четида уйилиб ётган эски-тускиларни кўриб, ташлаб юбориш керак, деб ўйлайсиз. Эски-туски йиғувчилар эшик қоқиб келганда, бериб ҳам юборасиз. Яъни «утил»га ташлайсиз. «Утилиус» сўзи лотинча бўлиб, «фойдаси тегади» маъносини беради. Биз ҳам бугун урфдан қолган, эскирган буюмларни қайтадан сафга қўшиш хусусида айрим маслаҳатларни бермоқчимиз.*

➧ Пахта толасидан тайёрланган кийимлар, матоларни, одатда пол, эшик-деразаларни ювиш, тозалаш учун ишлатамиз. Лекин, бунинг ҳам ўз қоидаси бор. Кўйлакларнинг енги, ёқаларини бир кўринг, титилиб кетмаган бўлса, қирқиб олиб қўйинг, кунга яраб қолади. Тугмаларини ҳам олинг, ҳали кўп керак бўлади. Сўнгра уларни қирқиб, маълум шаклга солинг.

➧ Бошқа газмоллардан тайёрланган кийим-бошларни уй-рўзғор ишларида ишлатиш анча мушкуллик туғдиради. Уларни қандай қилиб созласа бўлади мана шуни ўйланг. Пальто, нимча, костюмларни «қайта қуриб», замонга мослаштириш мумкин. Пальтони калта пальтога, нимча ёки курткага айлантириш осон. Плашингиздан эса болаларингизга куртка, комбинезон, ўзингизга юбка тикишингиз мумкин.





## БЕДА САБЗИ

Мамат қизиқ нималарнидир ёзиб ўтирган экан, ҳамкасби Маҳмуджон кириб келибди.

— Ие, бугун тушликда «юз-юз» қиламиз экан-да, — деб ҳазиллашибди Мамат қизиқ унинг қўлидаги қоғозга ўралган нарсага ишора қилиб.

— Э, ака, уруғ олдим, томорқага сепиб қўймоқчиман, — дебди Маҳмуджон.

— Менга ҳам сабзи уруғи керак эди, бозорга боришга пул йўқ.

Маҳмуджоннинг қувлиги тутиб:

— Э, худди ўзи-да, сабзи уруғ олдим мен ҳам, — дебди.

— Озгина берсангиз бўларкан, жуда кўп-ку, бу ерда, — дебди Мамат қизиқ.

Маҳмуджон катта пиёлада тўлдириб уруғни қоғозга ўраб берибди. Уйга келгач, Мамат қизиқ ерни тайёрлаб, сабзи уруғ деб беда уруғини икки жўякка қалин қилиб сепиб қўйибди. Бир ҳафта ўтгач кўм-кўк майса чиқибди.

— Сабзининг барги худди беданинг баргига ўхшар экан, янги навиданми дейман? — деб сўрабди у бир кун Маҳмуджондан.

— Ие, униб чиқдими? Ҳа, бу беда сабзи унинг таги эмас, устидаги барги ейилади, — дебди Маҳмуджон.

— Майсаси бир чиройли-ей, сомса қилса ҳам бўларкан-да, — дебди соддадил Мамат қизиқ.

***Ҳамид НОРҚУЛ.***

## ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ

## ШОВ-ШУВЛАРНИНГ ҚАЙ БИРИ РОСТ?

### ЎЛГАНЛАР ТИРИЛАР ЭКАН

Россия Фанлар академияси назарий муаммолар бўлими катта илмий ходими Пётр Гиряевнинг кўп йиллик меҳнатлари зое кетмади. У 10 минг рентген нури бериб, «ҳалок бўлган» буғдой донларини тирилтирди. Элетромагнит тўлқинлари билан қайта ишлов берилган донлар кўкарди. Олимнинг фикрича, унинг қайта тирилиши ДНКнинг тасмаларига ёзиб қўйилган. Агар қулай шароит яратилса, бу ажойиб дастур ҳаракатга келади. Кичкинагина бўлса ҳам, имконият пайдо бўлди. Яқин келажакда одамлар «ўламан», деб қўрқишига ҳам ҳожат қолмайди чоғи...

### КЎРУВЧИ ҚУЛОҚ

Хитойнинг Цянсу вилоятида яшовчи Лин исмли бола ўқишни яхши билади. Нима бўпти, бу ёшда ҳамма ўқий олади, дерсиз. Ҳамма гап шундаки, Линнинг кўзлари кўр. У қўли, қулоғи, бурни, юзлари билан ўқийди. Хуллас, баданининг қаери китобга ёки газетага тегса, ўша ери ҳарфларни жуда яхши кўраверади. Линни назорат қилаётган шифокор Ли Тянгнинг таъкидлашича, боланинг ҳамма аъзолари соппа-соғ. Унга бундай қобилият қандай насиб этган – ҳаммани ажаблантираётган муаммо мана шу.

### МИЯНИНГ ҲАМ ЖИНСИ БОР

Эркак ва аёллар фақатгина анатомик тузилишлари билан фарқланмас эканлар. Шу хусусда тадқиқот олиб борган америкалик олимлар шундай хулосага келишди. Бош мия фаолиятини ёзиб олишганда, бунга улар амин бўлишди. Матн ўқилаётганда эркаклар чап миясининг нўхатдек ҳужайраси ишлаган бўлса, аёл миясининг иккала қисми ҳаракатга келади. «Бу эркакнинг аёлдан устунлигида эмас, дейди Йел университети профессори Салли Шиллер. Миялар биз ҳар хилмиз, деб тасдиқламоқдалар». Яна бир ғаройибот, шундай эмасми?

### ЧЎЛДА КИМ НАЙЗА ОТГАН

Калахари саҳросидан ўтган катта йўл қурилаётганда, Молипололе шаҳри яқинида йўлсозлар ғалати буюмга дуч келишди. Бир қараганда, у кит овловчиларнинг найзаси – гарпунга ўхшарди. Уни ўрганган олимлар ҳайратга тушди. Шунча йил саҳрода ётган қизғиш ранг металлда емирилиш аломатлари мутлақо кўринмасди. Гарпун тайёрланган қотишма умуман Ерга бегона экан. Бу сирли гарпун қачон, қандай қилиб саҳрога келиб қолдийкин? Уни ким тайёрлаган? Нима учун? Ёки ерни қачонлардир сув босганини тасдиқловчи тилсиз гувоҳми бу?

## Бу қизиқ

# ТАБИАТНИНГ СИРЛАРИ

• Тадқиқотлардан маълум бўлишича, барча бойўғлиларнинг эшитиш қобилияти бир хил эмас экан. Ботқоқлик бойўғлиси энг ўткир қулоқли бўлиб, бош миясида жойлашган эшитиш марказларида 46010та нейрон, пайли япалоққушда 40360, шалпангқулоқ бойўғлида 35870, кўк каптарнинг эшитиш марказида 7 минг нейрон мавжуд экан.



***Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.***





Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 6-10 январь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Айрим жойларда ёғингарчилик бўлиб, туман тушиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечалари 0-5 даража совуқ, кундуз кунлари эса 6-11 даража илиқ бўлиши кутилади.

«Довон» жамоа корхонасининг йўқолган 0074164 ва 0074121 рақамли лицензия ҳужжатлари

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги «Оқбола» хусусий фирмаси

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-2004. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.30. 1 2 3 4 5 6